# IX.ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг январь–июнида 403,5 млн. АҚШ долларни, жумладан экспорт 185,5 млн. АҚШ долларни, импорт 217,9 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

Ташқи савдо сальдоси -32,4 млн. АҚШ долларни, шу жумладан МДҲ давлатлари билан 103,8 млн. АҚШ долларни ва бошқа давлатлар билан 299,6 млн. АҚШ долларни ташкил этди.

**Қашқадарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси**
*(2019 йил январь–июнь)*

| | *млн. АҚШ доллари* | *2018 йилнинг январь-июнига нисбатан, % ҳисобида* | *Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Ташқи савдо айланмаси** | **403,5** | **125,2** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 103,8 | 141,2 | 25,7 |
| бошқа давлатлар | 299,7 | 120,4 | 74,3 |
| **Экспорт** | **185,6** | **121,9** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 57,5 | 135,8 | 31,0 |
| бошқа давлатлар | 128,1 | 116,5 | 69,0 |
| **Импорт** | **217,9** | **128,1** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 46,3 | 148,5 | 21,3 |
| бошқа давлатлар | 171,6 | 123,5 | 78,7 |
| **Сальдо** | **-32,4** | **х** | **100,0** |
| МДҲ давлатлари | 11,2 | х | -34,6 |
| бошқа давлатлар | -43,6 | **х** | 134,6 |

**МДҲ ва бошқа давлатларнинг Қашқадарё вилоятини ташқи савдо айланмасидаги улуши**
*(январь-июнь)*




Қашқадарё вилоятининг 2019 йил январь-июнь ойларида ташқи савдо айланмасидаги улушининг 25,7 %и МДҲ давлатларига тўғри келади қолган 74,3 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткичлар 2018 йилда мос равишда 22,8 %и МДҲ давлатларига тўғри келган бўлса, қолган 77,2 % бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Қашқадарё вилоятининг МДҲ давлатлари билан олиб борилган ташқи савдо айланмаси 2019 йилнинг январь-июнь ойларида 103,8 млн. АҚШ долларни ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 141,2 % кузатилган. Шундан экспорт 121,9 % ни ташкил қилган бўлса, импорт 128,1 фоизга ўсган.

МДҲ давлатлари орасида Қозоғистон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкорлар ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 13,2 % ни ташкил қилади, бошқа давлатлар орасида Хитой, Туркия, Эрон, Афғонистон, Индонезия, Покистон, Чехия ва Полша давлатлари ҳисобланади.

**Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар, фоизда**
*(2019 йил январь-июнь)*




Қашқадарё вилоятининг 2019 йил январь-июнь ҳолатига ташқи савдода энг асосий ҳамкор давлатлари Хитой (33,4 %), Туркия (10,7%), Қозоғистон (9,0 %), Россия (8,2 %) ҳисобланиб, уларнинг жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 61,3 % ни ташкил қилади.

Дунёдаги мамлакатлар орасида экспортда ҳамкор давлатлар Хитой, Россия, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон ҳисобланиб, уларнинг жами экспортдаги улуши 84,9 % ни ташкил қилади, импортда эса ҳамкор давлатлар Қозоғистон, Хитой, Россия, Литва ва Корея давлатлари ҳисобланади, ҳамда уларнинг улуши 68,6 % ни ташкил қилади.

**Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар**

*(2019 йил январь-июнь)*

| Давлат номи | Ташқи савдо айланмаси | Экспорт | Импорт | Ташқи савдо айланмаси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | улуши, % | Ўзгариш сурати, % |
| Корея | 7777,7 | 54,6 | 7723,1 | 1,9 | 15,7 |
| Хитой | 134719,8 | 36212,0 | 98507,8 | 33,4 | 170,7 |
| Россия | 33192,3 | 18571,7 | 14620,6 | 8,2 | 104,2 |
| Туркия | 43302,3 | 36074,5 | 7227,8 | 10,7 | 142,8 |
| Қозоғистон | 36190,2 | 18691,4 | 17498,8 | 9,0 | 160,9 |
| Туркманистон | 6513,1 | 570,6 | 5942,5 | 1,6 | 12 м. |
| Индонезия | 7116,8 | 7116,8 | 0,0 | 1,8 | 53,1 |
| Италия | 2102,6 | 0,0 | 2102,6 | 0,5 | 36,0 |
| Эрон | 36854,1 | 35562,6 | 1291,5 | 9,1 | 3 м. |
| Япония | 5413,5 | 2,3 | 5411,2 | 1,3 | 71,6 |
| Украина | 8402,5 | 3162,8 | 5239,7 | 2,1 | 118,9 |
| Германия | 6589,7 | 5,7 | 6584,0 | 1,6 | 95,7 |
| Афғонистон | 7350,4 | 7326,8 | 23,6 | 1,8 | 118,4 |
| Литва | 11442,2 | 263,9 | 11178,3 | 2,8 | 24 м. |
| АҚШ | 3541,3 | 10,3 | 3531,1 | 0,9 | 2 м. |
| Гонконг | 5268,9 | - | 5268,9 | 1,3 | 2 м. |
| Қирғизистон | 3434,1 | 3395,9 | 38,2 | 0,9 | 2 м. |
| Франция | 3429,3 | 0,0 | 3429,3 | 0,8 | 3 м. |
| Словения | 3400,4 | 0,0 | 3400,4 | 0,8 | 100,0 |
| Белоруссия | 2685,3 | 280,5 | 2404,8 | 0,7 | 3,6 м. |
| Ҳиндистон | 2135,3 | 38,5 | 2096,8 | 0,5 | 56,3 |

| Давлат номи | Ташқи савдо айланмаси | Экспорт | Импорт | Ташқи савдо айланмаси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | улуши, % | Ўзгариш сурати, % |
| Эстония | 2114,3 | 0,0 | 2114,3 | 0,5 | 75,2 |
| Латвия | 1946,5 | 212,7 | 1733,8 | 0,5 | 29,8 |
| Исроил | 1896,8 | 1,1 | 1895,7 | 0,5 | 5 м. |
| Покистон | 1596,9 | 1156,3 | 440,6 | 0,4 | 85,9 |
| Польша | 1276,3 | 704,5 | 517,7 | 0,3 | 4 м. |
| Нидерландия | 1231,9 | 0,0 | 1231,9 | 0,3 | 5 м. |
| Швейцария | 1157,3 | 0,0 | 1157,3 | 0,3 | 14 м. |
| Болгария | 731,7 | 314,2 | 417,6 | 0,2 | 100,0 |
| Канада | 716,8 | 0,8 | 715,9 | 0,2 | 92,9 |
| Португалия | 510,2 | 0,0 | 510,2 | 0,1 | 29 м. |
| Вьетнам | 494,1 | 494,1 | 0,0 | 0,1 | 65,8 |
| Испания | 467,1 | 0,0 | 467,1 | 0,1 | 19 м. |
| Молдова | 460,5 | 429,6 | 30,9 | 0,1 | 76,8 |
| Аргентина | 432,0 | 0,0 | 432,0 | 0,1 | 149,0 |
| Малайзия | 429,7 | 429,7 | 0,0 | 0,1 | 19 м. |
| Австрия | 428,3 | 0,0 | 428,3 | 0,1 | 63,2 |
| Сингапур | 368,7 | 368,7 | 0,0 | 0,1 | 16,8 |

Қашқадарё вилоятининг экспорт таркибида товарлар  ва хизматлар гуруҳлари бўйича ўсиш кузатилган. Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83,5 фоизни, энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари 8 мартага ўсган.

Импорт таркибининг умумий ҳажмидан 63,1 фоизини машина ва асбоб-ускуналар, 13,7 фоизини кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ташкил қилади.

| Экспорт ва импорт таркиби | *Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида* | | *2018 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| | *2018 йил январь-июнь* | *2019 йил январь-июнь* | |
| **Экспорт таркиби** | **100,0** | **100,0** | **121,9** |
| Пахта толаси | 31,0 | 25,2 | 99,0 |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 12,4 | 23,0 | 2,3 м. |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 20,3 | 16,1 | 96,6 |
| энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | 5,0 | 8,4 | 2,1 м. |
| қора ва рангли металлар | - | - | - |
| машина ва ускуналар | 0,1 | 0,1 | 0,0 |
| хизматлар | 3,1 | 1,8 | 70,1 |
| бошқалар | 28,1 | 25,4 | 110,2 |
| **Импорт таркиби** | | | |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | | | |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | | | |
| энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | | | 15 м. |
| қора ва рангли металлар | | | |
| машина ва ускуналар | | | |
| хизматлар | | | |
| бошқалар | | | 2,4 м. |

## Хизматлар экспорти таркиби, (%)




Товар ва хизматлар экспорти 2019 йилнинг январь-июнь ойларида 185,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди, шундан: хизматлар экспорти 3,3 млн. АҚШ долларини ёки ташкил этди ва жами экспорт ҳажмининг 1,8 % ини ташкил қилди.

## Хизматлар импорти таркиби, (%)

